O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 17 апрел сешанба

Сотувда эркин нархда
№ 75 (2637)



## Агросаноат мажмуи йиғилиши

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида Агросаноат мажмуининг жорий йил биринчи чораги иш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев бошқарди.

Таъкидланганидек, агросаноат мажмуига кирувчи барча идора ва ташкилотларнинг ўтган даврдаги фаолияти мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил иш якунларига бағишланган мажлисида белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилишига қаратилди. Жойларда баҳорги дала ишларини ўз вақтида ўтказиш учун барча зарур шароит яратиб берилди. Қишлоқ хўжалиги техникаси чигит экиш мавсумига тўлиқ ҳозирланди. Хўжаликларга зарур миқдордаги минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари ва уруғлик барвақт етказиб берилди. Ҳозир баҳорги экиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Айни вақтда тармоқда қишлоқ хўжалиги корхоналарини ислоҳ этиш, мулкдорлар сафини янада кенгайтириш жараёнлари давом этмоқда. Ҳозир жойларда 1807 хўжалик ширкат асосида фаолият кўрсатмоқда. 2001 йил ҳосили учун пахта майдонининг 99 фоизи, бошоқли дон майдонларининг эса 92,7 фоизи оилавий пудратчиларга бириктириб қўйилган. Қарийб 70 минг гектардаги боғ ва узумзор узоқ муддатли ижарага берилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган йилнинг биринчи чорагига нисбатан мажмуа бўйича халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 106,7 фоизни ташкил қилган. Маҳсулотни экспортга жўнатиш топшириғи 137,4 фоиз бажарилган.

Шу билан бирга, аграр соҳада ислоҳотлар ҳамма жойда ҳам бирдек ўзининг кутилган самарасини бермаяпти. Шартнома тузиш тартибларининг бузилиши ҳоллари кузатилмоқда. Жумладан, йил бошидан буён ўрганиб чиқилган 511 та шартномадан 158 тасида мажбуриятларни бажариш муддати нотўғри кўрсатилган. Корхоналарнинг дебиторлик қарзи 136,4 миллиард сўмни ташкил этади. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда "Ўзагромашсервис" уюшмаси тизимидаги акциядорлик жамиятларида хориждан инвестиция жалб этиш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилмаяпти.

**(ЎзА).**

## Воҳа бағридаги коллеж



*Таълим тизимидаги ислоҳотлар Қарши шаҳридаги маданият техникуми ҳаётига ҳам ўзгаришлар нафасини олиб кирди. Бу ерда бир вақтлар фақат клублар учун мутахассислар тайёрланар эди. 1999 йилда маданият техникуми педагогик йўналишдаги коллежга айлантирилиб, мактаблар учун маънавият ва маърифат дарслари ўқитувчилари етказиб бериладиган бўлди.*

*Коллеж учун намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган янги муҳташам бино Қарши шаҳрининг ҳам ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Унинг баҳаво, ёруғ, замонавий таълим-тарбия қуроллари билан жиҳозланган ўқув заллари, кутубхоналари, компьютер хоналар, спорт мажмуаси, ошхонасига кирган кишининг баҳри дили очилади. Бу ерда талабалар етти соҳа бўйича замонавий ўрта махсус педагогик мутахассислик малакасини эгалламоқдалар.*

***СУРАТЛАРДА:** коллежнинг янги бош биноси; Лола Баротова, Феруза Абдураҳмонова ва Азиза Тўхлиева коллежнинг илғор талабаларидан ҳисобланади.*

***Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.***

*Олий Мажлисда*

## Фондлар

**ҳақида янги Қонун лойиҳасини тайёрлаш режалаштирилмоқда**

Кеча Олий Мажлисда Халқаро нотижорат ҳуқуқ маркази (ХНҲМ), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази, ЮСАИДнинг «Ривожланиш учун глобал малака ошириш лойиҳаси» вакиллари ҳамда Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси иштирокида ўтган семинарда асосий эътибор ана шу масалага қаратилди.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда мамлакатимизда икки ярим мингдан зиёд жамоат бирлашмалари, нотижорат ва нодавлат ташкилотлари фаолият кўрсатаяпти. 40 га яқин фондлар бор. Уларнинг фаолияти «Жамоат бирлашмалари тўғрисида» ва «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунлар, йигирмага яқин қонун ҳужжатлари воситасида тартибга солинган. Лекин бизда айни пайтда фондлар тўғрисида алоҳида қонун йўқ. Айтилишича, Олий Мажлис қўмитаси томонидан «Жамоат фондлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш жорий йилнинг иккинчи ярмида режалаштирилган.

Биз фуқаролик жамиятни шакллантиришни мақсад қилган эканмиз, нодавлат, нотижорат ташкилотлари, жумладан, фондларнинг аҳамияти ошиб бораверади. Шундай экан, бу борада хорижий мамлакатларда қандай тажрибалар тўпланган, қандай қарашлар мавжуд? Фондлар қандай тартибда таъсис этилади, қандай мақсадларни кўзлайди? Семинарда халқаро ташкилотларнинг вакиллари ана шундай саволларга жавоб беришга ҳаракат қилдилар. Фондлар тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса жамоат фондлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлашда асқотиши табиий.

**Ўз мухбиримиз.**

## ОЗОДЛИКНИ АНГЛАШ

**(«Озодлик» туркумидан. Иккинчи мақола.)**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

**Мен Озодлик ҳақида ҳамма тан олган ўзимизнинг бадиий фильмимиз бўлишини орзу қиламан.**

**Мен Озодлик ҳақида ҳамма тан олган ўзимизнинг санъат асаримиз бўлишини умид қиламан.**

**Мен Озодлик ҳақида ҳамма жўр бўлиб куйлайдиган ўзимизнинг оммавий қўшиғимиз... бўлишини истайман. Чунки икки йил бурун кўрганим — «Шерюрак» бадиий фильмидан орттирган мутаассирлигимни ҳанузгача кўнглимдан кеткиза олмайман. Чунки болалигимдан кўзларимга муҳрланиб қолган «Бурлаклар» картинасини орадан йигирма беш йил ўтса ҳам кечагидай эслайман. «Чўли ироқ»нинг ғамгинлигидан юрагим музлаб кетади. Шунга бироз шиддат қўшилса қанийди, дейман. Озодлик ҳақидаги қўшиғимиз ҳар қалай ана шундай бўлишини орзу қиламан.**

Мамлакат раҳбарининг замонамиз қаҳрамонлари сиймосини гавдалантириш кераклиги ҳақидаги гаплари ҳам ана шундай орзуларнинг ибтидосидан нурланган бўлса, ажаб эмас.

Бундай орзуларнинг ҳаммаси Озодликни англаш маҳсулидан пайдо бўлади. Дарвоқе, бизнинг ҳаммамиз ҳам Озодлигимизни, Мустақиллигимизни тўла англай олаяпмизми, аниқроғи, унинг туб моҳиятини ҳам ақл, ҳам қалб кўзи билан кўраяпмизми, қадр-қимматига етаяпмизми? Англаш — ақл билан эгалланадиган билимларимизнинг олий маҳсули ва даражасидир. Бизнинг ҳаммамиз ҳам бугун ана шундай даражага эриша олдикми?

Англаш — ҳис қилишдан бошланади. Ва у кишидан муайян тайёргарликни талаб қилади. Биров унга табиий завқи ва фаросати билан тезда эришади, бошқаси эса унинг «остонаси»да сарғайиб ётиши мумкин. 1991 йилнинг 31 августида Президентнинг Мустақиллигимизни эълон қилган кундаги ҳолат ҳеч ёдимдан чиқмайди. Президент ўшанда бироз ҳаяжон, бироз шиддат, фахру ифтихор билан 130 йиллик истибдод, асирлик, тутқунликлардан кейин мамлакатимиз Мустақиллигини расман бутун дунёга эълон қилган эди. Бу биз учун аслида жуда ҳам улкан воқеа эди. Лекин ўшанда зални тўлдириб ўтирганлар гарчи халқ ноиблари, давлат ва жамоат арбобларидан иборат кишилар бўлсалар-да, иккиланишданми, тобелик ёки мутелик асоратиданми бир муддат саросима ва аросатга тушиб қолишган — чин маънодаги Озодлигимизни на қарсак чалиб олқишлашган, на бир бундан ҳаяжонланишган эди. Назаримда, депутатлар руҳига тоталитар давр таъсири шу қадар сингиб кетганки, улар рўй берган тарихий воқеани дафъатан англолмай қолишган эди. Президентнинг қайта даъватидан кейингина ҳамма ўрнидан турган, зални бирданига гулдурос қарсаклар тутиб кетган эди.

Озодликни англаш учун у аввал ҳис қилиниши керак. Ўшанда хорижда истиқомат қиладиган бир ватандошимиз узоқ йиллик айриликдан кейин юртимизга, аниқроғи, ўз юртига қайтиб келганидан кейин «Ўзбекистон Озодликка чиққанини радиодан эшитиб, йиғлаб юбордим, сўнгги йилларда бунчалик тўйиб йиғламаган эдим», деганини эшитганман. Яна бир ватандошимиз падари бузруквори бу фоний дунёдан армон билан кўз юмганини — Ватанни — Ўзбекистонни қайта кўриш насиб қилмай кетганини кўзларида ёш билан ҳикоя қилиб берган эди. Ўшанда кўнглимдан Озодлик дегани ана шу бўлса керак, деган ўй кечганди.

Мамлакат раҳбари журналистларга берган бир интервьюсида хорижий мамлакатларга борганимда байроғимизга тикилиб, мадҳиямизни тингласам, бошқача бўлиб кетаман, дегандилар. Ёки яқинда Германияга бораётиб, фахр билан «Биз илгари Ўзбекистонни танитишни

(Давоми 2-бетда).

*Анжуман*

## Ўн йилликка бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили билан ҳамкорликда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. У мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган бўлиб, «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муҳофазасини таъминлаш механизмини такомиллаштириш» мавзуига бағишланди.

Анжуманда Конституциявий суд раиси Б.Эшонов, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова, Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, Инсон ҳуқуқлари бўйича республика Миллий марказининг директори А.Саидов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Йиғилишда Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муҳофазасини таъминлаш механизмини такомиллаштиришда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилувчи демократик институтлар ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Музаффар НОРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Оқсил касаллигини олдини олиш — долзарб вазифа

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида мамлакатимизга оқсил касаллиги кириб келишининг олдини олиш чора-тадбирларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда алоқадор вазирлик, қўмита, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ветеринария бошқармалари бошлиқлари ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этди.**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев бошқарган ушбу йиғилишда таъкидланганидек, кейинги вақтда асосан қорамолларда учрайдиган оқсил касаллиги тарқалиши оқибатида Европа мамлакатларида нохуш эпизоотик ҳолат юзага келган. Буюк Британия, Голландия, Франция, Нидерландия, Россия, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа бир қатор давлатларда ушбу касаллик чорвага айниқса жиддий хавф солмоқда. Шу боис касалликнинг мазкур ҳудудлар оша дунёнинг бошқа мамлакатларига ҳам тарқалиб кетиши эҳтимоли йўқ эмас. Масалан, ушбу касаллик Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, бизга қўшни Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон давлатларидаги жониворлар орасида ҳам қайд этилмоқда. Бу, табиийки, бизни ҳам ташвишга солмоқда.

Маълум бўлишича, ҳозирги кунда хўжаликларда 5,3 миллион бош қорамол, шу жумладан, 2,3 миллион бош сигир, шунингдек, 9,6 миллион қўй, 80 минг чўчқа, 146 минг от ва 13,4 миллионта парранда боқилмоқда. Бундан ташқари, кўплаб шахсий хўжалик ва хонадонларда ҳам чорва моллари мавжуд. Шу боис уларни оқсилга қарши эмлашни изчил ташкил этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, республикамизга касаллик четдан кириб келишининг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Биринчи навбатда хорижий давлатлардан чорвачилик маҳсулотларини келтириш вақтинчалик тўхтатилди. Бунда биринчи навбатда чегара ҳудудларидаги аҳвол қаттиқ назорат остига олинмоқда. Шу мақсадда буфер зоналар деб аталмиш минтақалар 78 тадан 93 тага етказилди, уларда 2 миллион 518 минг қорамол ва 4 миллион 793 минг қўй-қўзи боқилмоқда. Жойлардаги 118 та ветеринария пости қаторига яна 78 та пост қўшилди. Мамлакатимиз бўйича 814 та гуруҳ тузилиб, уларда 4113 нафар мутахассис фаол иш олиб ормоқда. Айни вақтга қадар жами қорамолларнинг 74 фоизи,

(Давоми 2-бетда).

## «Чорвангизнинг ҳужжати борми?»

***— Бор, — дейди вилоят бош ветеринари Озод Чавдурбоев.***

2-бет



***Фермер Қўшбоқ Абдуллаев банк хизматидан мамнун. Чунки...***

3-бет




### КЕЧА

● Қашқадарё вилояти ҳокимлигида «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Мазкур анжуманга олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларидан ташқари мактаб ўқувчилари, маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йиғини раислари таклиф қилинди.

* * *

● **НТВ телеканалининг янги раҳбариятидан норози бўлиб, 46 нафар ходим ишдан кетиш ҳақида ариза ёзган. Бу билан «Газпром» томонидан тайинланган раҳбарларни тан олмаганлар сони 350 нафарга яқинлашди. Улар орасида Е.Киселёв ва С.Сорокина каби тележурналистлар ҳам бор.**



* * *

**Япониянинг Цируга шаҳри яқинида Рихтер шкаласи бўйича 4,4 ер силкиниши кузатилди.**

* * *

**Албан жангарилари Югославия армиясининг ўтган ойда гаров олган икки нафар ҳарбийсини озодликка чиқарди.**

* * *

● **Исроил ҳарбий самолётлари Суриянинг радиолокация станциясини бомбардимон қилганлигини расман тан олди. Фаластин мулозимлари АҚШ ва араб давлатларидан айни таҳликали вазиятни тўхтатиш учун ёрдам сўради.**

* * *

● **Филиппин суди мамлакатнинг собиқ президенти Ж. Эстрадани ҳибсга олиш учун ордер берди.**

### БУГУН

● «Ўзкўргазмасавдо» марказида «Фарғона водийсининг экспорт имкониятлари» кўргазма-савдоси очилади. Унда водий вилоятларида фаолият юритаётган корхоналар, ишбилармон ва ҳунармандлар экспортга мўлжалланган маҳсулотлари билан иштирок этадилар.

● **«Интерфакс» ахборот агентлигининг хабар беришича, Россия ва Белорус иттифоқи Давлат котиби П.Бородин ишга чиқади.**



* * *

● **Яқин Шарқда кеча юзага келган кескин вазиятни муҳокама қилиш учун Фаластин мухторияти раҳбари Ё.Арофат Миср Араб Республикаси Президенти Ҳусни Муборак билан учрашади. Маълумки, Фаластин ва Исроил ўртасидаги нифоқ янгидан аланга олиб, ўзаро қон тўкишлар бошланганига ҳам ярим йил бўлаяпти. Тинчлик ўрнатиш жараёни эса тобора чўзилиб, мураккаблашиб бораётир.**

### ЭРТАГА

● Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицейда «Табиат чекмасин азият» мавзуида экологик тадбир бўлиб ўтади.

* * *

● **Кемерово губернатори Омон Тулеевга суиқасд уюштирганликда айбланаётган таниқли ишбилармон Михаил Живилонинг Франциядан Россияга қачон олиб келиниш санаси аниқ бўлиши мумкин.**

* * *

● **Зимбабвеликлар мустақиллик байрамларини нишонлашади.**

## Ўзаро фойдали ҳамкорлик

Россия Федерациясининг "Аэрофлот — российские авиалинии"етакчи авиакомпанияси Ўзбекистонга мунтазам рейсларни амалга ошира бошлади. Аэрофлотнинг Москва-Тошкент-Москва йўналиши бўйича қатновчи биринчи "ТУ-154М" самолёти Тошкент аэропортига келиб қўнди. Ушбу самолёт машҳур "Боинг" ва "Аэробус"лардан қолишмайди. Самолётда 24 та бизнес тоифадаги ва 102 та иқтисодий тоифадаги йўловчи ўрни бўлиб, учиш вақти тўрт соатни ташкил этади.

— Биз Ўзбекистон бозори имкониятларини юқори баҳолаймиз, — деди янги линиянинг очилиши муносабати билан "Аэрофлот — российские авиалинии" компаниясининг МДҲ давлатлари, Шарқий Европа ва Болтиқбўйи мамлакатлари бўйича минтақавий бўлими бошлиғи Н.Иваненко. — Республикангиз ушбу минтақанинг бошқа мамлакатларига нисбатан тез ва жадал ривожланмоқда. Ўзбек авиаторлари билан алоқаларимиз узоқ тарихга эга. Янги авиалиниянинг очилиши турли йўналишларда ривожланиш имкониятларимизни кенгайтиради.

**В.ДРАЧЁВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 17 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**



1$ = 345,57 сўм

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.**

# ОЗОДЛИКНИ АНГЛАШ

(Давоми. Боши 1-бетда).

мақсад қилган бўлсак, энди бунга ҳожат қолмади», дедилар. Шунда менинг кўнглимдан чинакам Озодлик, уни англаш шу бўлса керак,- деган ўй кечди.

Хорижда ғалаба қозонган спортчимизнинг шарафига Ватан байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграганида унинг кўзида ғилтиллаб турган ёшни кўриб, Озодлик нашидаси дегани шу бўлса керак, деб ўйладим.

Момо дуога қўл очар экан, шу кунларга етказганига шукр, дейди, ҳаммани бир бошдан алқайди. У кечаги кунини унутгани йўқ. Сал эслатсангиз, чеҳраси ғамгин тортади, кўзларига чор ёш айланади. У ҳам, демак, Озодликни ўзича ҳис қилади.

Озодлик аввал ҳис қилинади, кейин англанади. У буткул руҳий ҳодисадир. Моддий унсурлар билан келиша олмайди. Шунинг учун у моддий унсурлардан баланд тура оладиган, фидойи кишиларгагина насиб қилади.

Озодликни чиндан ҳам моддий нарса билан ўлчаб бўлмайди. Нима, Ватан, деб ҳасратда кўз юмган ёки Озодлигимизни радиодан эшитиб, йиғлаб юборган ватандошимизнинг қорни очмиди, усти юпунмиди? Асло! Йўқса, нега у ўзини тутолмади. Озодлик ана шундай нарса. Уни ҳеч нарса билан — на молу дунё, на шону шавкат билан ўлчаб бўлмайди. У чиндан ҳам муқаддас нарса. Кечаги тоталитар тузумда ҳам устимиз юпун, қорнимиз оч бўлмаса-да, Руҳимиз Озод эмасди. Руҳимиз тутқунликда эди. Руҳимизни — ичимиздаги гапимизни баралла айтишга имкон йўқ эди. Уларга бизнинг эътиқодимизни, ота-боболаримизнинг Руҳини оёқости қилаяпсиз, деб айта олмасдик. Ичимиздаги ичимизда эди.

Бугун руҳимиз озод. Руҳи озод бўлган миллатдан шерюрак фарзандлар туғилади, миллат, мамлакат равнақ топади. Озодлигимизнинг дастлабки ўн йиллиги биз учун покланиш даври бўлди. Чунки миллатимиз — руҳимиз юз йиллик асоратлардан, юзимизга чапланган ғуборлардан покланмоқда. Қаддимизни тиклаб олдик. Дунё энди бизга бошқача кўз билан қарамоқда. Чунки дунё яхши билади: оққан дарё оқаверади...

**Исмат ХУДОЁРОВ.**

# Оқсил касаллигини олдини олиш — долзарб вазифа

(Давоми. Боши 1-бетда).

қўйларнинг эса 59 фоизи ветеринария-клиник кўригидан ўтказилди. Ветеринария назоратини янада кучайтириш мақсадида чегара ҳудудларда жойлашган барча молбозорлар, шунингдек, талаб даражасида жиҳозланмаган кушхоналар ва гўшт дўконлари ёпилди. Эмлаш жараёнини янада фаоллаштириш учун эса Самарқанддаги биокомбинат қошида чорва касалликларининг олдини олишда қўлланиладиган вакцина ишлаб чиқарувчи қўшма корхона очилмоқда.

Йиғилишда оқсил касаллигининг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирларнинг изчил бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш юзасидан тегишли ташкилотлар раҳбарларига аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган*

# Маҳаллий хомашёдан тайёр маҳсулотгача



**«Обидхон» хусусий фирмаси узлуксиз жараённи тўлиқ ўзлаштирди**






Тўғриси, биз «Обидхон» ишлаб чиқариш-савдо хусусий фирмаси тўғрисида илгари ҳам эшитган эдик. Лекин амалга оширилаётган ишларни бунчалик даражада, деб ўйламагандик. Жамоа фаолияти билан батафсил танишиб, унга қойил қолдик. Дарҳақиқат, фирма ишлаб чиқараётган чарм ва чармдан тикилган маҳсулотларни кўрган ҳар бир киши беихтиёр «қойил» деб юборади.

Ғаффор Сулаймонов ҳақида гап кетганда қўқонликлар тадбиркорлик қонида бор, дейишади. У яхши ният билан бундан роппа-роса 10 йил илгари «Барокот» деб номланган кичик корхона очиб, нутрия боқишни йўлга қўйди. Нутрия терисидан мўйна олиб, телпак, куртка тикиб сота бошлади. Ўша вақтда жамоада атиги беш киши меҳнат қиларди. Йиллар ўтиши билан корхона фаолияти кенгайиб борди. Айниқса, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилди. Қорамол, қўй териларини қайта ишлаб, кимёвий ишлов бериб, пойабзал ва бошқа маҳсулотлар ҳам тайёрлана бошлади. Корхона фаолияти кенгайгач, у «Обидхон» ишлаб чиқариш-савдо хусусий фирмасига айлантирилди. Айни пайтда фирма кушхонасида мол сўйилиб, териси ошланади. Кейин унга барча турдаги ишлов берилиб, тайёр маҳсулотга айлантирилади. Ишлаб чиқарилаётган чарм курткалар хорижникидан қолишмайди. Шу боис, уларга МДҲ республикаларидан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Ҳозир корхонада 20 турдан ортиқ маҳсулот тайёрланаяпти. Фирмада чиқитсиз технология асосида маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Чарм парчаларидан бош кийим, қўлқоп, енгил саноат корхоналаридаги дастгоҳлар учун қайиш (ремен)лар тайёрланмоқда. Айниқса, қайишга эҳтиёж катта. Жорий йилда мамлакатимизнинг турли вилоятларида жойлашган кўплаб жамоалардан буюртма тушган.

Фирмада илғор технологияни қўллаш, чет эл тажрибасини ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. 1998 йили Америкадаги экспертлар корпусидан шу соҳанинг мутахассиси ҳисобланган жаноб Эдвард таклиф қилинди. У ходимларга терини илғор технология асосида қайта ишлаш сирларини бир неча ой давомида ўргатди. Шундан кейин фирмада хром тери тайёрлана бошлади. Ҳозир сифати жаҳон андозалари талабларига жавоб бераётганлиги боис бундай маҳсулотларга талаб катта. Жамоа асосий эътиборни импорт ўрнини босувчи экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратмоқда. Бу борадаги изланишлар ўз самарасини бераяпти. Масалан, ўтган йили Фарғонадаги «Ўзсаламан» қўшма корхонасига 55 миллион сўмлик чарм етказиб берилди.

Фирма ўз маҳсулотлари билан хорижга чиқиш борасида ҳам иш олиб бораяпти. Айни пайтда чарм ва бошқа маҳсулотлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар Италия, Германия, Чехия давлатларининг ишбилармонларига берилди. Яқинда улардан ижобий фикр олинди. Италиядаги «Санта-Наполене» фирмаси маҳсулот харид қилиш истагини билдирди.

Ҳозир корхонада 40 киши меҳнат қилмоқда. Ўтган йили товар айланиши 82 миллион сўмни ташкил қилди. 11,8 миллион сўм соф фойда олинди. Жамоа иш режасига кўра 2000-2005 йилларда 3 миллион кв.дцм. терини қайта ишлайди. Унинг умумий қиймати 716,4 минг АҚШ долларини ташкил қилади.

Фирма ҳар йили мамлакатимизда ўтказилаётган тадбиркорларнинг «Ташаббус» кўрик танловида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. 1998 йили Қўқон шаҳрида, бир йил ўтгач эса Фарғона вилоятида биринчи ўринни олди. Жорий йилда ҳам вилоятда биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлиб, республика танловига йўлланма олди.

Биз Қўқон шаҳрининг «Халқ сўзи» кўчасида жойлашган «Обидхон» фирмаси фаолияти тўғрисида қисқача ҳикоя қилдик. Аслида бу ерда қаламга олишга арзигулик ижобий ишлар кўп. Фирма раҳбари Ғаффор ака камгап, камсуқум инсон. У киши муваффақиятлар, ютуқлар тўғрисида гапиришни унчалик хуш кўрмайди.

Корхона фаолияти билан танишиб қайтар эканмиз, унинг ишларига омад, жамоасига соғлиқ тиладик. Қани энди, юртимизда Ғаффор акадек тадбиркорлар кўпайса, мамлакатимизнинг обрўйи янада ошарди, деган фикр кўнглимиздан ўтди.

**К.ҲОСИЛОВ.**

*Ислоҳот сабоқлари*

# Шартнома — лафз дегани

## Унга риоя қилмаслик виждонингизни қийнамайдими?

***Вазирлар Маҳкамасида 2000 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда шартномани тўғри тузиш ва бажарилишини таъминлашдаги нуқсонлар кўрсатилиб, бу соҳада хўжалик судларига жиддий эътироз билдирилган эди. Хўш, хўжалик судлари бу танқиддан қандай хулоса чиқаришди? Тошкент шаҳар хўжалик судининг раиси, юридик фанлари номзоди Фозилжон Отахонов билан мулоқотимиз мавзуини ана шу савол билан белгиладик.***

— Албатта, тўғри тузилмаган, шартлари вақтида тўлиқ бажарилмаган шартнома ортиқча ташвиш, асаббузарликдан бошқа нарса эмас. Энг ёмони, у ривожланишга тўғаноқ бўлади. Аждодларимиз қадимдан иқтисодий муносабатларга киришар эканлар, икки ўртадаги шартларни келишиб, бир битимга келганлар. Гувоҳ олдида айтилган сўз ёки бир парча тилхат билан қанчадан-қанча ишлар битган. Фақат маъмурий-буйруқбозлик услуби ўрнатилган мустабид замонда битимлар тузиш, шартларини келишиб олишга эътибор берилмади, ҳуқуқ ва мажбуриятлар тамойили ўрнига халқ юқоридан берилган қарор, ажратилган лимит, фонд, наряд ва кўрсатмаларга кўр-кўрона бўйсунишга ўргатилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бошланган ислоҳотларнинг дастлабки босқичлариданоқ иқтисодий муносабатлар шартнома ва битимлар негизига ўтказилди. Шартнома ва битимларнинг Ўзбекистонда яратилган ҳуқуқий негизи жаҳондаги илғор мамлакатлардаги шундай қонунлар билан бемалол тенглаша олади. Лекин хўжалик судлари қабулхоналаридаги «гавжум» ҳолат ҳамкор шериклар ўртасидаги келишмовчиликлар, шартнома шартларининг бузилишлари ҳамон барҳам топмаётганидан далолат беради. Ҳамма бало тарафларнинг шартнома тузишдаги ҳуқуқий асосларни яхши англаб олмаганларидадир.

Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда шартнома — барча мулк шаклидаги корхоналар, шунингдек тадбиркорлар ҳамда бошқарув органлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ўрнатувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Шартномаларнинг етакчилик роли ва иқтисодий муносабатларни ўрнатишнинг янги тамойиллари ҳуқуқий жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси; мулк; кооперация; ижара; тадбиркорлик; деҳқон; фермер; ширкат хўжаликлари; хўжалик жамиятлари ва ширкатлар; акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; банклар ва банк фаолияти; чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторларнинг кафолатлари; хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонунларда белгилаб қўйилган.

**— Шу ўринда хўжалик юритувчи тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларга алоҳида тўхталсак.**

— Бажонидил, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида юзага келадиган муносабатлар Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Хўжалик шартномаси деганда шартнома предметини, етказиб бериладиган маҳсулотнинг миқдори, сифати, хиллари ва баҳосини, шартноманинг бажарилиш муддатларини, ҳисоб-китоб қилиш тартибини, тарафларнинг мажбуриятларини, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлигини, низоларни ҳал этиш тартибини ҳамда тарафларнинг реквизитларини, шартнома тузилган сана, жой ва бошқа муҳим шартларни назарда тутиш керак.

Биз амалиётда учратаётган айрим ҳолатлар шуни кўрсатадики, муайян тараф оладиган маҳсулоти учун ҳақ тўлаш қобилияти, аввал бошдан шубҳали бўлса-да, маҳсулот берувчи тараф буни текшириб кўрмайди. Ҳатто умумий қиймат миқдорининг 15 фоизи ўтказилишини кутмасдан ҳам маҳсулотни тўлиқ юклаб бераверадилар. Якинда «Тошкент тажриба механика заводи» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг «Ҳаёт-Файз» хусусий фирмасидан 4.414.881 сўм ундириш тўғрисидаги даъвоси кўриб чиқилди.

Ишдаги материаллардан ва суд муҳокамасидан аниқланишича, тарафлар ўртасида 2000 йил 28 январда маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома тузилган. Шартноманинг 6,5-бандига кўра маҳсулотнинг ҳақи у жавобгарнинг омборига келиб тушгач, 90 кун ичида тўлаб борилиши лозим бўлган. Аммо «Ҳаёт-Файз» шартномадаги мажбуриятини бажармаган, яъни маҳсулот ҳақини умуман тўламай келган. Суд аниқланишича, даъвогар томонидан даъво аризаси берилгандан сўнг жавобгар 2001 йил 16 январдаги тўлов топшириқномаси орқали қарзини қисман, яъни 3000000 сўмини тўлаган. Шу сабабли суд ҳал қилув қарори билан даъвонинг асосий қарзга ва пеняга бўлган қисмини қисман қаноатлантирди. Суд харажатларини эса тўлиқ жавобгар зиммасига юклади.

**— Фозилжон Ҳайдарович, мустақил давлатимиз XXI асрга қадам қўйди. Ўн йил мобайнида ҳуқуқий муносабатлар соҳасида ҳам катта ислоҳотлар ўтказилди. Хўжалик ҳуқуқлари асосларини амалиётга сингдиришда юридик хизматнинг ўрни ҳақидаги фикрларингизни баён қилсангиз.**

— Йирик компаниялар, акциядорлик жамиятлари юридик хизматга у ёки бу даражага эгалар. Ишлаб чиқариш, иқтисодий муносабатларни олиб боришда юридик хизмат зиммасига муайян тузилма мансабдорлари билан баб-баравар масъулият юклатилган. Аммо айланма маблағи камроқ, ўрта ва кичик бизнес корхоналари юридик бўлим ёки гуруҳ тугул, ҳатто битта юристни сақлаб туришга қурбилари етмайди. Бундай корхоналар томонидан қонун талаблари ва шартнома шартлари бузилишига кўпроқ йўл қўйилмоқда. Мисол учун, шаҳар хўжалик суди томонидан «Salvus-invest» масъулияти чекланган жамиятнинг раҳбари Екатерина Ионовага нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-модда 3-қисми қўлланиб, 24500 сўм жарима тўлаш жазоси белгиланди. Маҳсулот етказиб бериш ёки хизмат кўрсатиш ҳақининг 15 фоизини олдиндан амалга ошириш тўғрисидаги талаб жорий этилганига беш йил бўлганини билмаслиги ёки уни писанд қилмаслиги Екатерина Евгеньевнага панд берди. Ўтган йил 1 февралдаги 96-сонли юк хатига асосан олдиндан бир тийин олмасдан Е.Ионова 23050000 сўмлик маҳсулотни метрополитен қурилиши маъмуриятига бериб юборади. Агар жамиятда юридик хизмат фаолият кўрсатганда маҳсулот қонунга тўлиқ риоя қилмасдан бериб юборилмас, қарзни ундириш хўжалик судигача бориб етмас эди.

**— Шартнома мажбуриятларини бежармаганлик учун, айниқса, мансабдор шахснинг жавобгарлиги масаласига қандай ёндошилаяпти?**

— Бу шартномавий мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликдан келиб чиқади. Тарафлардан бири шундай ҳолга йўл қўйган тақдирда, бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди, қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган тартибда бошқача тарзда жавобгар бўлади.

Тошкент шаҳар хўжалик судига даъвогар — «Медикал систем ЛТД» қўшма корхонаси фойдасига жавобгар — «ТИК» хусусий корхонаси мол-мулки ҳисобидан 10762100 сўм ундириш бўйича мажбурий ижро иши очилган. Жавобгарнинг раҳбари А. Нуралиев бир неча мартаба суд ижрочисига корхонасининг мол-мулки борлигини айтиб, қарзини тўлашга ваъда қилиб келган. Сўнгра эса қочиб кетган. Аниқланишича, даъвогар билан маҳсулот етказиб бериш тўғрисида шартнома тузаётган пайтда жавобгарда умуман маҳсулот бўлмаган ва даъвогарнинг пул маблағини ўзлаштириб юборган. Суднинг хусусий ажрими билан А.Нуралиевга нисбатан фирибгарлик ва суд ҳужжатини ижро этишдан бош тортиш фактлари бўйича жиноий иш қўзғатилган. Шайхонтоҳур туман судининг ҳукми билан А.Нуралиевга 10 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш бўйича жиноий жазо тайинланган.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши юзасидан шаҳар хўжалик суди белгилаган тадбирлар асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Албатта, бу ишларимиз ҳали бизга қўйилган талаблар даражасида эмас. Тадбиркорликни ривожлантириш борасида чин маънодаги ҳуқуқий ёрдамни ташкил этиш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш учун кўп изланишимиз лозим. Ўшанда кўзланган мақсадга эришилади.

**Суҳбатдош:**
**А.АБДУБАННОПОВ,**
**журналист.**

**Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасида Европадаги ушбу мамлакат Сенатининг ташқи ишлар, қуролли кучлар ҳамда мудофаа масалалари бўйича комиссияси раҳбари Ксавье де Вилпен бошчилигидаги сенаторлар делегацияси вакиллари иштирокида брифинг бўлиб ўтди.**

# Француз сенаторлари билан учрашув

Франция сенаторларининг ҳар йили дунёнинг бирор мамлакатига сафар уюштириши анъанага айланган. Бу йил бундай сафар учун Ўзбекистон танланди.

Ташриф чоғида меҳмонлар Ўзбекистон Бош вазири, Олий Мажлис раиси, ташқи ишлар ҳамда мудофаа вазирлари билан учрашди.

Делегация раҳбари Ксавье де Вилпеннинг айтишича, Ўзбекистон Франция ҳукуматининг ўтиш даврини бошдан кечираётган давлатлар рўйхатига киритилган. Бу эса унга Франция ҳукуматидан имтиёзли кредитлар олиш имконини беради.

Журналистлар билан учрашув чоғида делегация раҳбари Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги ҳарбий ҳамкорлик масаласига ҳам тўхталди ва ҳозирча бу борада, асосан, кадрлар тайёрлашга эътибор қаратилаётганини айтиб ўтди.

Айни пайтда Ўзбекистонда 400 минг киши француз тилини ўрганмоқда. Сенаторлар мамлакатимизда француз тили ва маданиятини тарғиб қилишга юксак даражада эътибор берилаётганини мамнуният билан таъкидлади.

**(ЎзА).**

*Ҳуқуқ бурчаги*

# Зарарни ким тўлайди?

***— Ўзим бошқа жойда ишлайман. Лекин газеталарга ҳам мақолалар ёзиб тураман. Таҳририят босилган мақолаларимга қалам ҳақи тўлайди. Аммо бу ҳақда солиқ идорасига ўз вақтида декларация тақдим этолмадим. Бундай пайтда қандай чора кўрилади?***

**А. ОЛИМОВ,**
**Самарқанд шаҳри.**

— Солиқ олинадиган фойда (даромад)ни қасддан яширган, камайтириб кўрсатган, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган фуқаролар энг кам иш ҳақининг уч баробаридан беш баробаригача, мансабдорларга эса беш баробаридан етти баробаригача миқдорда жарима солинади.

Даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаган, уни ўз вақтида тақдим этмаган ёки нотўғри маълумотларни кўрсатган кишига энг кам иш ҳақининг бир баробаридан уч баробаригача миқдорда жарима солинади.

***— «Дамас»им бор. Уни ижарага бермоқчиман. Борди-ю машинага бирор шикаст етказса, уни ижарага олувчи тўлайдими ёки мен?***

**Н. ТЎХТАЕВ,**
**Андижон вилояти.**

— Фуқаролик кодексининг 570-моддасига кўра ижарага берилган транспорт воситаси ҳалокатга учраган ёки шикастланган тақдирда, ижарага берувчи билан ижарага олувчи ўртасида тузилган шартнома ёки қонунда бундай ҳолат учун ижарачи жавобгар қилиб кўрсатилган бўлса, етказилган зарарни ижарага олувчи тўлаши шарт.

***— Шартномалар ҳақ эвазига ва текинга тузиларкан. Бу иккисини қандай ажратса бўлади?***

**Т.БЕКТУРДИЕВ,**
**Чироқчи тумани.**

— Фуқаролик кодексининг 355-моддасига кўра, шартнома бўйича тарафлар ўз бурчларини бажарганлиги учун ҳақ олиши ёки унга бошқа муқобил тўлов тўланиши лозим бўлса, бундай шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома бўлади.

Шартнома бўйича бир тараф иккинчи тарафга ундан ҳақ ёки бошқа муқобил тўлов олмасдан бирор нарсани бериш мажбуриятини олса, бундай шартнома текинга тузилган шартнома ҳисобланади.

Агар қонун ҳужжатларидан, шартноманинг мазмун-моҳиятидан бошқача ҳол англашилмаса, шартнома ҳақ эвазига тузилган бўлади.

**Эркин МАВЛОНОВ тайёрлади.**

*Долзарб мавзу*

# «Чорвангизнинг ҳужжати борми?»

**Хоразм вилоятининг Туркманистон билан чегарадош ҳудудларида ветеринария-санитария постлари сони ўтган давр мобайнида 5 тадан 15 тага кўпайди. Шунга мувофиқ, уларда хизмат қилаётган мутахассислар таркиби ҳам уч баравар ортди. Мақсад бугунги кунда бир қатор қўшни мамлакатларда ташвиш уйғотаётган оқсил касаллигининг кириб келишига йўл қўймасликдир.**

Шовот туманидаги 1-сонли марказий чегара маскани посбонларининг ишлари айниқса тиғиз. Ветеринария мутахассислари Комил Бобожонов ва Икром Ёқубов чегарадан ўтаётган ҳар бир фуқарони синчковлик билан кўздан кечиришмоқда.

Вилоят ветеринария ходимлари эса шу пайтгача аҳоли ҳамда хўжаликлардаги 384 минг бошдан зиёд қорамолни оқсилга қарши эмлашди. Бу умумий поданинг 86 фоизини ташкил этади. Эмлаш ишларини апрел ойи охиригача тугаллаш кўзда тутилмоқда.

Гурлан ва Қўшкўпир туманларида уй ҳайвонларини эмлаш юмушлари, айниқса тезкорлик билан олиб борилаётир. Фуқаролар йиғинлари раҳбарлари, ширкат хўжаликлари аъзолари бу ишда ветеринария мутахассисларига яқин мададкор бўлмоқдалар.

Хоразмда 16 та мол бозори бор. Бозор кунлари уларга бир неча минг бош қорамол, қўй ва эчки сотиш учун олиб келинади. Уларни бирма-бир кўздан кечириш, назорат қилиш таъминланмоқда. Бунда ветеринария ва санитария ходимлари жамоатчилик, ҳуқуқ-тартибот муассасалари вакиллари билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Ветеринария бўлимининг тегишли далолатномасисиз моллар бозорга қўйилмаяпти.

Ҳақиқатан ҳам, бугун бозорлар оқсил касаллигига қарши тарғибот ва ташвиқот марказларига айланган. Мутахассислар хавфли юқумли касаллик, унинг зарарли оқибатлари тўғрисидаги маълумотларни овоз кучайтиргичлар орқали сотувчи ва харидорларга етказиб туришибди. Ветеринария бошқармаси томонидан чоп этилган варақалар ҳам касалликнинг олдини олишга қаратилган. Улар асосан аҳолининг кенг қатламлари учун мўлжаллангандир. Ҳозиргача бундай тарғибот воситаларидан 15 мингтаси тарқатилди.

Кўрилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бераяпти. Шу билан бирга, вилоятда ҳайвонларнинг ҳужжатларини, яъни уларнинг паспортини жорий қилишга киришилди. Бундан буён қорамол, қўй-эчки ва бошқа уй ҳайвонларининг эгаларида уларнинг ҳар бири учун алоҳида ҳужжат бўлади. Унда ҳайвоннинг насли, соғлиғига доир маълумотлар, қачон ва қайси касалликка қарши эмланганлиги узлуксиз қайд этиб борилади. Харидор бозорда сотувчидан «Қорамолнинг ҳужжати борми?» деб сўрашга одатланади.

— Шу пайтгача қорамол ва қўй-эчкилар учун 500 минг донага яқин паспорт тайёрладик, — дейди вилоят ветеринария бошқармаси бошлиғи Озод Чавдурбоев. — Шундан 50 мингтаси мол эгаларига топширилди. Бу ишни узоғи билан 2-3 ҳафтада тамомлаймиз. Натижада қўлимиздаги маълумотлар кўп жиҳатдан бойийди. Турли юқумли касалликларга қарши кураш тадбирларини ўтказиш янада осонлашади.

Ветеринария бошқармасида юқумли касалликларга қарши кураш бўйича республика экспедицияси бошлиғи Шавкат Маматов билан учрашиб қолдик. У шундай деди:

— Вилоятда оқсил касаллигига қарши самарали тадбирлар кўрилмоқда. Чегара ҳудудларидаги постлар етарли мутахассислар, зарур асбоб-анжомлар, препаратлар билан таъминланган. Шу билан бирга дезотўсиқ ва дезотўшамалар ишини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Маҳаллий мутахассислар билан айни шу масалада фикрлашиб олдик.

Қадим-қадимдан Хоразмда тозалик ва гигиенага, турли юқумли касалликларнинг олдини олишга катта эътибор берилган. Ичъан ва Дешон қалъалари доимо покиза сақланганлиги, унга аҳоли соғлиғи учун хавф яқин йўлатилмаганлиги бунга мисол. Бугун ҳам вилоятда халқ анъаналари унутилгани йўқ. Оқсил касаллигига қарши кураш тадбирлари шундан далолат бериб турибди.

**Сотим АВАЗ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Газета танқидидан сўнг*

# Ваъда вафоси билан гўзал

**«Халқ сўзи» газетасининг 2001 йил 1 феврал сонида «Ворух ўгай қишлоқми?» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Яқинда таҳририят Бешариқ тумани ҳокимлигидан жавоб хати олди.**

«Ушбу мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида биз, бир гуруҳ мутасаддилар Ворух қишлоғи маҳалла оқсоқоллари ва фуқаролар билан учрашиб, мавжуд муаммоларни атрофлича муҳокама қилдик, — дейди ўз хатида Бешариқ туман ҳокими ўринбосари И.Ўрозалиев. — Ворух қишлоғидаги бошланғич синф ўқувчилари ўқиётган эски мактаб филиалининг биносида машғулотлар тўхтатилиб, таълим-тарбия ишлари янги типдаги болалар боғчасининг фойдаланилмай турган 5 та хонасида олиб борилаётир.

Рапқон қишлоғи марказига 5 км. масофадан қатнайдиган 5-8-синф ўқувчилари эса Ворух қишлоғи яқинидаги Юқори қишлоғида жойлашган 27-ўрта мактабда таълим-тарбия олишлари учун шароит яратиб берилди. 9-11-синф ўқувчилари шу мактабни битиришлари ва тўлиқсиз ўрта ҳамда ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳномаларни олишлари мумкинлиги кўриб чиқилиб, ўқишни давом эттиришлари мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 500 куб метрли сув қувурлари ётқизилди. Қишлоқни газлаштириш масаласи 2001 йилнинг охирги чорагига режалаштирилди», деб тугаллайди ўз хатини И.Ўрозалиев.

Газета танқиди Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси мутасаддиларини ҳам бефарқ қўймабди. Бошқарма бошлиғи М. Хўжаев ҳам жавоб хати йўллаб, Ворух қишлоғида қурилиши бошланган 360 ўринли мактаб биносини келгуси йили фойдаланишга топшириш учун қурилиш ишлари жадаллаштириб юборилганини маълум қилибди.

*Банклар — иқтисодиёт таянчи*

# Кредитдан самарали фойдаланилганда

**Ховос туманида кейинги йилларда тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш ва шу йўл билан иқтисодиётни мустаҳкамлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Мазкур соҳада фаолият кўрсатаётганлар қўллаб-кувватланмоқда. 2000 йилнинг ўзида юздан зиёд фермер хўжалиги, бир неча кичик корхона, цехлар ташкил қилинди. Бу маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтирди, янги ишчи ўринлари яратилишига имкон берди.**

Ушбу ишларнинг ривожида республика акциядорлик тижорат «Пахта банк»нинг туманда жойлашган Фарҳод бўлими ҳиссаси катта бўляпти. Тадбиркорларга мақсадли молиявий хизмат кўсатилмоқда, улар кредит маблағлари билан таъминланаяпти. Ажратилган сармоя ҳисобига фаолият юритаётганлар ўз иқтисодиётини мустаҳкамлаб олишаяпти. Масалан, ўтган йили деҳқончилик ва чорвачиликка ихтисослашган «Шарқ» фермер хўжалиги банкка чорва молларини кўпайтириш учун бир миллион сўм кредит сўраб мурожаат қилди. Тадбиркорнинг лойиҳаси ўрганиб чиқилиб, унинг талаби ўз вақтида қондирилди. Берилган маблағга ўн бош қорамол сотиб олинди. Бултурнинг ўзида фермер 130 минг сўмлик чорвачилик маҳсулотлари етиштирди ва аҳолига сотди. Айни пайтда унинг қарамоғида 13 бош қорамол парвариш қилинаяпти. Жорий йилда фермер 1173, 2 минг сўмлик чорва маҳсулотлари етиштириш ва соҳадан 247 минг сўм соф даромад олишни режалаштирган.

— Кредит ҳисобига чорвачиликни ривожлантиришга ва иқтисодиётимизни мустаҳкамлашга эришдик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Қўшбоқ Абдуллаев. — Кўрсатилаётган банк хизматидан мамнунмиз. Молиявий муассаса бизни ҳар доим қўллабқувватлаб турибди. Нақд пул масаласида, бирон ташкилотга маблағ кўчиришда муаммо йўқ. Банк ўз мижозларига молиявий хизмат кўрсатибгина қолмай, айни пайтда иқтисодий аҳволни яхшилаш бўйича фойдали маслаҳатлар беради, йўл-йўриқлар кўрсатади.

Бобур номидаги ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Нодира Норбоева ўтган йили феврал ойида якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида банкда ҳисоб-рақамини очди. У



ҳам кредит сўраб молиявий муассасага мурожаат қилди. Тадбиркорга 600 минг сўм маблағ ажратилди. Н. Норбоева олинган сармояга кичик тикувчилик цехи очди. Айни пайтда кийим-кечак ва аҳоли буюртмалари бўйича кўйлаклар тикмоқда.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ўтган йили банк томонидан кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланаётганларга 5670 минг сўмлик имтиёзли микрокредитлар берилди. Унинг бир қисми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан, қолгани эса «Бизнес фонд», «Бандлик» жамғармаси томонидан ажратилди. Эндиликда сармоялар самара бераётир. Шунингдек, улар томонидаын ҳар хил маиший хизмат ҳам кўрсатилмоқда.

Банк мижозларининг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги корхоналари ташкил қилади. Шу боис етиштирилаётган пахта ва ғалла маҳсулотларини бўнак билан таъминлашда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Ҳозиргача пахта учун ажратилган 233,5 миллион сўм, ғалла учун 36 миллион 643 минг сўм маблағ, мулк шаклидан қатъи назар, барча мижозларга етказиб берилди. Шу боис чигит экиш ниҳоясига етмоқда. Ғалла ўз вақтида парвариш қилинаётганлиги боис майсалар бошоқлашга киришди.

Молиявий муассаса дебитор ва кредитор қарзларни бартараф этиш борасида ҳам режа асосида иш олиб бораяпти. Бу борада мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда. Ягона молиявий кунларнинг мунтазам ўтказилиб турилиши, қарздорлик сабабларининг чуқур таҳлил қилиниши ўз натижасини беряпти. Ўтган йили 5421 минг сўмлик қарзларни камайтиришга эришилди.

Шунингдек, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш борасида ҳам кўрилаётган чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Жорий йилнинг шу кунигача тўрт миллион 85 минг сўм аҳоли маблағи омонатга жалб қилинди. Ўтган йилнинг ўзида 3 миллион сўмга яқин пул омонатга олинди. Бу фоизларнинг ўз вақтида тўланаётганлиги натижасидир.

Шу билан бирга молиявий муассаса қимматбаҳо қоғозлар бозорида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Шу кунгача банкнинг 19 миллион 189 минг сўмлик акциялари сотилди. Ўтган йилнинг биринчи январ ҳолатига бу кўрсаткич 10 миллион 931 минг сўмни ташкил қилган эди. Банкда касса режалари ҳам бажарилаяпти. Натижада бюджет ташкилотлари ходимларининг ойлик маошлари ва нафақадорларнинг пуллари ўз вақтида берилаяпти.

Жорий йилда ховослик деҳқонлар 15871 тонна пахта, 12445 тонна ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир далаларда иш қизғин давом этмоқда. Бугун куч ва имкониятлар баракали хирмон яратишга сафарбар этилган. Бу ишларда табиийки, туманда асосий тармоқ ҳисобланган қишлоқ хўжалигига молиявий хизмат кўрсатаётган «Пахта банк» нинг алоҳида ҳиссаси бор.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



***Самарқандлик кулол Мансуржон Носиров ўзи ясаган жимжимадор кўзалар, нақшинкор буюмларни бир-бир кўздан кечиришни яхши кўради. У ана шу «кўздан кечириш» асносида янги-янги буюмлар ясашга ўзида илҳом топади. Ўқийди, изланади. Шу боис ҳам Мансуржон аканинг қўлида сайқал топган рўзғор буюмлари, сопол ўйинчоқлар бетакрор жозиба касб этади. У ясаган нафис буюмлар жаҳоннинг элликдан зиёд мамлакатларини кезишга улгурган.***

*СУРАТДА: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, уста кулол Мансуржон Носиров иш устида.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# "УСТОЗ" РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМАСИ

**Ривожланган демократик мамлакатларнинг етакчи таълим марказларида республикани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқитувчилар, аспирантлар, докторантлар учун 2001 йилда қайта тайёрлаш, малака ошириш ва тажриба алмашишга оид дастурларда иштирок этиш ва жамғарма грантларини олиш учун танлов эълон қилади.**

| № | Мутахассислик | Ўринлар сони |
|---|---|---|
| 1. | Менежмент | 4 |
| 2. | Маркетинг | 4 |
| 3. | Молия ва кредит | 4 |
| 4. | Бизнесни бошқариш | 4 |
| 5. | Суғурта иши | 4 |
| 6. | Иқтисод ва бошқарувда маълумотлар тизими | 4 |
| 7. | Халқаро иқтисодий алоқалар | 4 |
| 8. | Сиёсатшунослик | 4 |
| 9. | Педагогика | 11 |
| 10. | Социология | 3 |
| 11. | Психология | 3 |
| 12. | Ҳуқуқшунослик | 3 |
| 13. | Халқаро ҳуқуқ | 3 |
| 14. | Кончилик иши | 3 |
| 15. | Нефть-газ ишлари | 3 |
| 16. | Автомобилсозлик | 3 |
| 17. | Авиа-ракетасозлик | 3 |
| 18. | Электроэнергетика (энергия ҳосил қилишнинг ноанъанавий усуллари) | 3 |
| 19. | Технологик машиналар ва ускуналар (қурилиш, нефть-газ, кончилик ва тўқимачилик саноати) | 4 |
| 20. | Кимё технологияси ва биотехнология (ўғитлар, нефть ва газ, силикат материаллар, ойна, керамика, озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси) | 3 |
| 21. | Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни механизациялаштириш | 3 |
| 22. | Қишлоқ хўжалиги (агрономия, селекция, генетика, агробизнес) | 3 |
| 23. | Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш | 3 |
| 24. | Ветеринария | 2 |
| 25. | Тиббиёт | 3 |
| 26. | Телекоммуникация | 2 |
| 27. | Ўзбекистон тарихи | 2 |
| 28. | Журналистика | 2 |
| 29. | Туризм | 3 |
| | ЖАМИ: | 100 |

**"Устоз" республика жамғармасининг гранти соврини учун эълон қилинаётган танловда қатнашиш истагини билдираётган номзодлардан 2001 йил 1 майдан 1 июнгача бўлган муддатда қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинади:**

- *таълим муассасасининг танлов комиссияси номига тавсияномаси;*
- *маълумоти,илмий даражаси,унвонлари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари;*
- *чоп қилинган услубий тавсиялар,дарсликлар,ўқув қўлланмалари,илмий ишлар ва кашфиётлар рўйхати;*
- *расмий сўровнома (ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси);*
- *меҳнат дафтарчасидан кўчирма;*
- *3х4 катталикдаги фотосурат (рангли бўлгани маъқул);*
- *белгиланган шаклдаги тиббий маълумотнома (086-у);*
- *юқори малака,педагогик ва илмий фаолиятдаги ютуқларни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари.*

**Юқорида кўрсатиб ўтилган барча ҳужжатлар уларни тақдим этувчи муассасалар томонидан тасдиқланади ва вилоятларнинг тегишли комиссияларига 2001 йил 1 июнгача (1 июн ҳам киради) топширилади. Танлов Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти учун 2001 йил 11 июндан 20 июнгача, бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси учун 25 июндан 5 июлгача бўлиб ўтади.**

**Саралаш тест, ёзма имтиҳон ва суҳбат тариқасида 3 босқичда амалга оширилади:**

1 — *зарур талабларга кўра, чет тилини билиш даражаси мутаносиблигини аниқлаш бўйича имтиҳон;*
2 — *ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий билимлар бўйича умумий тайёргарлик савиясини аниқлаш юзасидан тест синовлари;*
3 — *маънавият ва маърифат йўналишлари бўйича умумий даражани, номзодда грантдан фойдаланишнинг аниқ дастури мавжудлиги ва кўзда тутилаётган самарани белгилаш юзасидан суҳбат.*

**Саралаш турларининг ҳар бир босқичи якунлари бўйича танлов комиссиясининг хулосаси ва саралаш турларининг навбатдаги босқичига қўйиш тўғрисидаги қуйидаги қарорини ўз ичига олган тегишли баённома тузилади:**

**• ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИ • ТАВСИЯ ҚИЛИНМАЙДИ**

Саралашнинг учта босқичи ҳам жамғарма грантини олишга даъвогарлар ҳужжатларини топширган жойда амалга оширилади. Саралаш имтиҳонлари якуни бўйича мандат "Устоз" республика жамғармаси Марказий комиссияси томонидан ўтказилади.

**Мезонлар:**

**Танловда иштирок этишни хоҳловчилар:**

- **таълим муассасасининг педагоги бўлиши;**
- **Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши;**
- **чет (инглиз, немис ва француз) тилини билиши;**
- **танланган мутахассислик бўйича камида узлуксиз 3 йиллик педагогик иш олиб бориш тажрибасига эга бўлиши ёки 2-3 йил ўқиётган аспирант ёхуд докторант бўлиши;**
- **45 ёшдан катта бўлмаслиги керак.**

*Танловда иштирок этиш учун ҳужжатларни қабул қилиш ва танлов босқичларини ташкил этиш тўғрисидаги саволлар билан "Устоз" республика жамғармаси маъмуриятига мурожаат қилишингизни сураймиз.*

**Манзил:**
**Тошкент шаҳри,**
**Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45-уй.**

**Телефонлар: (371) 132-60-17, 132-60-94;**
**Факс: 132-60-16;**
**E-mail: office@ustoz.freenet.uz,**
**fond@ustoz.silk.org**

***"Устоз" республика жамғармаси бошқаруви.***

4062

# Болалар тарбияси — барчанинг бурчи

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг "Болалар тарбияси — барчанинг муқаддас бурчи" шиори остида кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Унда Жўқорғи Кенгес Раиси Т.Камолов, Қорақалпоғистон Бош прокурори Ҳ.Ҳалимов, Ички ишлар вазири Ж.Шилмонов ва бошқалар сўзга чиқиб, "Таълим тўғрисида"ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида бажарилган ишларга таҳлилий баҳо бердилар. Эришилган ютуқлар билан бир қаторда, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда имкониятлардан етарли фойдаланилмаётганига эътибор қаратилди. Жумладан, мавжуд 763 та умумтаълим мактабларидан 61 тасининг моддий-техник базаси ночорлиги ачинарли ҳолдир.

Йиғилишда ана шу мактабларда таъмирлаш, ободонлаштириш ишларини олиб бориш, дарсликлар, ўқув қуроллари билан таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини жонлантириш, таълим муассасаларида тарбиявий ишларни юқори поғонага кўтаришга йўналтирилган қарор қабул қилинди.

**А.ИСКАНДАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

**БЎШ (ВАКАНТ) ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ЛАВОЗИМЛАРИГА МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ АСОСИДА**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Кафедра мудирлари**: 1. Давлат ва хўжалик ҳуқуқи. 2. Селекция ва уруғчилик. 3. Физика. 4. Деҳқончилик ва қишлоқ хўжалик мелиорацияси. 5. Педагогика ва психология. 6. Чет тиллар. 7. Ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси. 8.Қишлоқ хўжалик механизацияси. 9.Умумий зоотехния. 10. Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти.

***Кафедра мудирлигига фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцентлар қатнашишлари мумкин.***

**Доцентлар:** бухгалтерия ҳисоби, аудит ва молия (3), макроиқтисодиёт (2), микроиқтисодиёт (2), агробизнес ва менежмент (3), фалсафа (2), мевачилик ва узумчилик (1), меҳнат муҳофазаси (2), хусусий зоотехния (1), физика (1).

**Катта ўқитувчилар**: бухгалтерия ҳисоби, аудит ва молия (2), чет тиллар (2), деҳқончилик ва қишлоқ хўжалик мелиорацияси (1), тупроқшунослик (1), педагогика ва психология (2), хусусий зоотехния (1).

**Ассистентлар:** иқтисодий статистик таҳлил (2), бухгалтерия ҳисоби, аудит ва молия (4), микроиқтисодиёт (3), агробизнес ва менежмент (1), ботаника ва табиатни муҳофаза қилиш (1), қишлоқ хўжалик биотехнологияси (1), пахтачилик (1), ўсимликшунослик (1), мевачилик ва узумчилик (1), ипакчилик ва тутчилик (1) , физика (2), фитопатология ва ўсимликлар физиологияси (1), эконометрия ва информатика (1), маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш, мева-сабзавотлар селекцияси ва уруғчилиги (1).

**Ўқитувчилар:** жисмоний тарбия (2), чет тиллари (инглиз тили) (10).

***Танлов учун ҳужжатлар 2001 йил 20 майгача қабул қилинади.***

**Ҳужжатлар қуйидаги манзилга топширилади: Тошкент, 140, Тошкент давлат аграр университети, бош бино, III қават, ходимлар бўлими. Телефон 63-63-35.**

4073

# Ҳаёт йўли мактабдан бошланади

Эндиликда 9-синф ўқувчиси битирувчи ҳисобланадиган бўлди. У билим олишни лицейда давом эттириши ёки касб-ҳунар коллежида таҳсил олиши мумкин. Ҳар икки ҳолда ҳам мактабни тарк этиши аниқ.

Гулистон туманидаги Алишер Навоий номли 2-ўрта мактаб раҳбарияти бу борада анчадан буён ибратли тадбирларни ўтказиб келмоқда. Мактаб раҳбарияти касб-ҳунар танлаш ҳақида ўқувчилар ўртасида доимий равишда уюштираётган баҳс-мулоқотлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Вилоятнинг турли лицей ва коллежларини битириб, халқ хўжалигида ишлаётган ўнлаб ёшлар фикримиз исботидир. Баҳс-мулоқот кечаларига шифокор, журналист, педагог ва тумандаги бошқа кўплаб касб эгалари, ишлаб чиқариш илғорлари таклиф этилади.

Биргина мисол: Деҳқонобод қишлоқ хўжалик коллежини бугунги кунда битириб, турли соҳаларда ишлаётган қатор ёшлар айнан Алишер Навоий номли мактаб ўқувчиларидир. Бундай тажриба нафақат туманда, балки вилоят, республикада ҳам ҳаётга татбиқ этилса, ёмон бўлмасди.

**А.ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Боғлар болга тўлади



Ҳа, Қарши шаҳрида «Эрмос» Ўзбекистон-Греция қўшма корхонаси жамоаси шу мақсадда иш бошлади. Грециянинг «Гиллас» компанияси ва Қашқадарё вилоятидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи бир неча корхоналар иштирокида воҳадаги, хусусан «Кўкдала», «Майманоқ», «Истиқлол» хўжаликларидаги боғ-роғлар энг илғор агротехника асосида парваришланиб, экологик тоза мева етиштирилади ва қайта ишланади. Маҳсулотлар асосан экспортга чиқарилиши кўзда тутилмоқда.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





**Жалолқудуқ туманида ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи ишга тушди.**

**450 ўқувчини ўз бағрига олган ушбу билим масканида ёшлар бешта мутахассислик бўйича касбга йўналтирилади. Айни пайтда фан кабинетлари, тажриба устахоналаридан ташқари коллежда компьютер хонаси, кутубхона ва маънавият-маърифат хонаси ўқувчилар ихтиёрида.**

*СУРАТЛАРДА: коллеж биносининг умумий кўриниши; дарс жараёни акс эттирилган.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

*Дэвис кубоги*

# Кейинги ўйин — Испанияда

**Халқаро теннис федерациясининг Лондондаги қароргоҳида 2002 йилги Дэвис кубогининг жаҳон гуруҳига кириш ўйинлари учун қуръа ташлаш маросими бўлди.**

Қуръа минтақавий гуруҳлар ғолиблари ва жаҳон гуруҳининг биринчи босқичида омади чопмаган жамоалар (жами 16 та) ўртасида ташланди. Унинг натижаларига кўра, мамлакатимиз теннисчилари Испания терма жамоаси билан кортга тушадиган бўлди.

Ўйинлар шу йилнинг 21-23 сентябр кунлари Испанияда бўлиб ўтади.

Теннис ишқибозлари рақиб жамоани, хусусан, Алекс Корретха, Карлос Мойа, Альберт Коста каби етакчи ўйинчиларни яхши билишади.

— Дэвис кубогида кутилмаган воқеалар бўлиб туради, — дейди мусобақанинг ижрочи директори Билл Бэбкокк. — Кўпчилик Испания жамоасини кучли деб қараса-да, Ўзбекистон теннисчилари уларга муносиб рақиб эканлиги аниқ.

**Мардон ЁҚУБОВ, «Жаҳон»АА, Лондон.**

*Армрестлинг*

# Ҳаммаси иродага боғлиқ

**Қизиқарли спорт турларидан бўлган армрестлинг республикамизда тобора ривожланиб бораётганлиги қувончли ҳол. Бу соҳада Навоий шаҳрида ўзига хос тажриба мактаби яратилмоқда. Ўнинчи мамлакат чемпионати айнан шу ерда ўтказилиб, якка тартибда ҳам, умумжамоа ҳисобида ҳам вилоят спортчилари биринчи ўринни эгаллаганликлари фикримизнинг далилидир.**

— Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронлар реабилитацияси Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга ҳаммамиз масъулмиз, — дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Эбодулло Раҳмонов. — Ногиронларнинг дардига малҳам бўлиш, соғлиғини тиклашга ёрдамлашиш бурчимиз. Уларни имкон қадар спорт турларига жалб этиш, етарлича шарт-шароитларни яратиш қандай самара бераётганига кўпчилик гувоҳ. Биргина армрестлинг бўйича ташкил этилган тўгарак ва клубларда 300 га яқин киши мунтазам шуғулланмоқда. Улар орасидан Осиё чемпионлари ва жаҳон мусобақаси совриндорлари етишиб чиққанлиги эътиборлидир.

Эбодулло Раҳмоновнинг ўзи юнон-рум кураши бўйича спорт устаси, олий тоифадаги мураббий эмасми, ногирон спортчилар, айниқса, армрестлингчиларнинг ютуқлари ҳақида завқ билан сўзлади, далиллар келтирди, келажак режаларини айтди.

Суҳбатдошим ҳақ. Мана, биргина «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги «Кимёгар» стадиони залида ўз маҳоратларини ошириб бораётган спортчилар фаолиятига назар солайлик. Бу даргоҳда 20 дан ортиқ ногиронлар армрестлинг билан шуғулланади. Тажрибали мураббий Игорь Шишков раҳбарлигида 2 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 4 нафар Ўзбекистон Республикаси спорт устаси тайёрланди. Эндиликда Комил Ўразмонов, Эдуард Варламов, Татьяна Қурбонова, Ольга Кузнецоваларни кўпчилик яхши билади.

Ҳиндистонда ўтказилган қитъа чемпионатида клуб аъзоларидан Мирзоҳид Шаропов, Елена Шафронова Осиё чемпиони деган шарафли номга эга бўлишди, Игорь Шишков бронза медалини қўлга киритди.

Елена Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтказилган Европа очиқ чемпионатида ҳам ғолиблар сафидан ўрин олди. Ўтган йили эса Америка Қўшма Штатларининг Виржиния-Бич шаҳрида бўлиб ўтган йигирма биринчи жаҳон чемпионатида 46 мамлакатдан олти юздан ортиқ таниқли спортчи иштирок этди. Бу беллашувдан Елена Шафронова ва Мирзоҳид Шаропов учта кумуш, битта бронза медали билан қайтишди.

Энди яқиндагина ўтказилган X Ўзбекистон чемпионати натижаларига тўхталсак. Жами 14 жамоа, 400 нафардан зиёд спортчилар қатнашган мусобақада Мирзоҳид Шаропов, Елена Шафронова, Рамиля Хонбековалар яна шоҳсупадан жой олишди.

— Нуфузли халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя этиш бахтига муяссар бўлдим, — дейди Мирзоҳид. — Вужудимдаги бутун куч қўлларимга йиғилгандай. Меҳрибон устозим Игорь Шишковдан умрбод миннатдорман. Яратиб берилган шароит, ҳомийларнинг мададини ҳар дақиқада ҳис этиб тураман. Мен ногиронларгина эмас, тўрт мучаси соғ барча инсонларнинг спорт билан доимий шуғулланишини истайман.

Мирзоҳиднинг сўзларига қўшилмай бўладими? Бақувват қўллар ҳар ишда, ҳар дақиқада ўз кучини кўрсатади.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

«MALVIL» МЧЖ *саноат электр жиҳозларини жаҳондаги машҳур корхоналардан бевосита етказиб беради.*
ДИЗЕЛЛИ ВА БЕНЗИН БИЛАН ИШЛАЙДИГАН, ҚУВВАТИ 300 кВАдан 800 кВАгача БЎЛГАН
ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАР
исталган қувватдагиси
Ишлаб чиқарувчилар: Германия (GEKO), Италия (Lifter), Япония (Honda), Россия
UPS - ҚУВВАТИ 300 кВАдан 800 кВАгача БЎЛГАН УЗЛУКСИЗ ОЗУҚА БЛОКЛАРИ
Ишлаб чиқарувчи: Франция (MGE).
КАФОЛАТ.
ЭХТИЁТ ҚИСМЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ.
ТЕХНИК ХИЗМАТ.
2751
Тошкент ш., 700000, В. Малясов кўчаси, 3, 113,115-хоналар.
Тел.: (998-71) 120-68-36, (998-712) 41-31-24, 30-20-36. E-mail: malvil @ operamail. com.

## Нодиржон совриндор бўлди

Пойтахтимизда «Ёш кино-фото ҳаваскорлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Халқ таълими вазирлиги, Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази ташкил этган ушбу анжуманга қирқдан зиёд қисқа метражли кинофильмлар намойиш этилди. Шаҳрисабз шаҳридаги 91-ўрта мактаб ўқувчиси Нодиржон Одиловнинг «Яшаш фалсафаси» фильми бош соврин соҳиби бўлди.

**Ўз мухбиримиз.**

**Хўжалик судининг 2001 йил 15 мартдаги N 55/01-У қарорига асосан иккинчи сонли давлат мева-сабзавот тайёрлов савдо корхонаси (2-ДМСТЕК) банкрот деб эълон қилинди. Эътирозномалар 2 ой давомида қабул қилинади.**

Абитуриент-2001
ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА МАКТАБЛАРИНИНГ 9-СИНФ БИТИРУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Давр талабларига мос замонавий касблар бўйича мутахассисларни тайёрлаб берувчи
ТОШКЕНТ РАДИОТЕХНИКА ВА АВТОМАТИКА КОЛЛЕЖИ
2001 йил 18 апрел соат 12.00да бўлиб ўтадиган «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»га ТАКЛИФ ЭТАДИ.
Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Чилонзор Д20-даҳаси, Катта-Қаъни к., 52.
Транспорт: автобуслар 69, 74, трамвай 17. «Радиоколлеж» бекати, троллейбус 6, охирги бекат.
4066

Ўзбек-Италия «Агрихим» ҚК
мулкчилик шакли турлича бўлган қишлоқ хўжалик корхоналарига
ЯНГИ ПУРКАГИЧЛАР етказиб беради.
ҳар турли модификациядаги
Бизнинг пуркагичларимиз - дала, боғлар ва узумзорларни қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан ишончли ҳимоялаш воситаси.
Тошкентдаги телефонлар: 54-84-22, факс: 54-71-21.
3727

БИЗНИНГ ДЕРАЗАЛАРИМИЗДАН ДУНЁ ГЎЗАЛ КЎРИНАДИ.
Алюминийдан тайёрланган дераза ромлари ва витраж тизимлари:
- турли шакл, ўлчам, рангдаги дераза, эшик, витражлар тайёрлаш
- турли аркалар тайёрлаш
- чанг ва товуш ўтказмаслик
- ойналарнинг ҳаво ўтказмаслиги
- очиладиган ва суриладиган қурилма, жалюзилар ўрнатиш учун қулай
- ёнғиндан хавфсиз.
Якка буюртмалар қабул қиламиз.
Йил мобайнида сервис хизмати кўрсатиш.
ALQUR
Манзил: Тошкент ш., Бектемир тумани, «Оҳангарон» шоҳкўчаси, 2. Тел.: (371) 185-67-78, 185-67-74,130-79-90. Факс: (371) 98-47-00.
Бизнинг дилерларимиз: Андижон ш., Фитрат кўчаси, 214. Тел./факс: (37422) 25-25-94. Навоий ш., "Феникс Ко" фирмаси, Тел.: (43622) 30761.
®/1907

ГУФИК АВИЦЕННА тел. (365) 2261730, факс (365)2261411 Бухоро ш.
ГУФИК - АВИЦЕННА ҚК
ГУФИК ЛТД тел. (3712)68-93-40, факс (3712)68-24-29 Тошкент ш.
ТОШКЕНТ ВА БУХОРОДАГИ ОМБОРЛАРДАН ЎЗИНИНГ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.
СУКСИЛ - тери ва юмшоқ тўқималар, нафас йўллари, суяк бўғинлари ва тўқималар инфекциялари, гонореяни даволашда қўлланилувчи антибиотик.
ОЛИН - қуйи ва юқори нафас йўллари, сийдик йўллари инфекцияларига қарши восита.
АМАКСИН - қуйи ва юқори нафас йўллари, ошқозон-ичак ва сийдик йўллари инфекцияларини даволашда қўлланилувчи антибиотик.
ГИРОЦИД - сийдик йўли инфекциялари ва гонореянинг дастлабки босқичларида қўлланилувчи восита.
КОТРОКС - нафас, ошқозон-ичак, сийдик йўллари инфекцияларини даволаш учун бактерияларга қарши восита.
МЕТРОНИДАЗОЛ - анаэроб инфекциялар, трихомониаз, лямблиозларни даволашда самарали таъсир кўрсатади.
МОЛ - оғриқни қолдирувчи таъсирга эга, иситмани туширувчи дори.
НОКТИЛ - асаб бузилишларида қўлланилади, тутқаноқнинг олдини олишда асқотади.
АСТИЛ - бронхиал астма, нафас сиқиш хасталикларини даволашда зарур бўлган восита.
ФУРОСИД - юрак етишмовчилиги билан боғлиқ бўлган қон босими, жигар ва буйрак хасталикларида қўлланилади.
ТОМИД - кўнгил айниши ва қайт қилишнинг олдини олувчи дори, гастромодулятор.
ТЕДИН - аллергиянинг турли кўринишларида қўлланилувчи восита.
РУПРОКС - шамоллашнинг олдини олувчи, оғриқни қолдирувчи дори, аллергиянинг бодли кўринишларида қўлланилади.
НАПРОКСЕН - оғриқсизлантирувчи, шамоллашнинг олдини олувчи восита. Артрит ва дисминорея хасталикларига даво бўлади.
КЕЭР - бўғин ва мушаклар оғриқларида шамоллашнинг олдини олувчи гиёҳли малҳам.
РОЛЛ-ОН - шамоллашни даволашда терига суртиладиган мой.
Биргаликда соғлом келажак қурамиз!
3977

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!
ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТА ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИ
эслатиб ўтадики, Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли «Почта ва телекоммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ телекоммуникациялар соҳасида қуйидаги турлар бўйича лойиҳалаш, қуриш, эксплуатация қилиш ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар олинган лицензияга биноан ишлашлари керак. Булар:
- маҳаллий телекоммуникация тармоқлари;
- шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари;
- халқаро телекоммуникация тармоқлари;
- кўчма радиотелефон алоқа тармоғи;
- шахсий радиочақирув тармоқлари;
- маълумотларни узатиш тармоғи, шу жумладан, «Интернет» хизматларини маълумот узатиш оператор тармоқлари орқали амалга ошираётган хўжалик юритувчи субъектлар (интернет-кафе, интернет-клуб ва бошқалар);
- телерадиоэшиттиришларни тарқатиш тармоқлари.
Лицензиянинг амал қилиш муддати тугашига икки ой қолганда хўжалик юритувчи субъектлар қайта рўйхатдан ўтиш ҳақида ўрнатилган тартибда ариза беришлари керак.
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 135-моддаси 6-бандига биноан кўрсатилган фаолият турлари билан лицензиясиз шуғулланганлик учун шу фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ва яна шунча миқдорда жарима ундирилади.
Маълумот учун Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги лицензиялаш, сертификатлаш ва стандартлаш бўлимининг телефонлари: 133-84-95, 137-45-07.
Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги.
4063

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Й.Ҳасановга падари бузруквори **АБДУВАДУТХОН** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар бошқарувчисининг ўринбосари Йорихон Вадутович Ҳасановга отаси **Абдувадутхон ҲАСАНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Нашриётлар ва оммавий ахборот воситалари бошқармасининг бошлиғи Жаббор Раззоқовга отаси **Раззоқ ЖАББОРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзтибтехника» акциядорлик компанияси ва «Медиз» қўшма корхонаси жамоаси Кузатув кенгаши раиси С.Аҳроровга ва рафиқаси М.Алавийга уларнинг падари бузруквори, соғлиқни сақлаш соҳасининг фахрийси **Рашодхон АЛАВИЙнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Бадиий академияси академия раиси Турсунали Қўзиевга волидаи муҳтарамаси **ИБОДАТХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2315, 26639 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Навбатчи — Қ.ЭШМАТОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАБОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 22.00*
1 2 3 4 5 6